

**Oriental Journal of Education****THEORETICAL FOUNDATIONS OF PROSECUTORIAL SUPERVISION OVER THE IMPLEMENTATION OF LEGISLATION ON AGRICULTURAL ENTERPRISES***Nuriddin Urunbaev**Master's student**Academy of the Law Enforcement Agencies**Tashkent, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE**

**Key words:** agriculture, prosecutor's supervision, subject, object, legal regulation, organizational and legal bases, regulatory legal acts.

**Abstract:** This article discusses the issues of the object, subject and legal regulation of prosecutorial supervision of the implementation of legislation in the field of agriculture.

**Received:** 28.02.25**Accepted:** 02.03.25**Published:** 04.03.25**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ОБЪЕКТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ***Нуриддин Урунбаев**Магистратура талабаси**Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратураси**Тошкент, Ўзбекистон***МАҚОЛА ҲАҚИДА**

**Калит сўзлар:** фермер хўжалиги, прокурор назорати, предмет, объект, тартибга солиниши масалалари, ташкилий - ҳуқуқий асослари, қонун ҳужжатлари.

**Аннотация:** ушбу мақолада фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг объекти, предмети ва ҳуқуқий тартибга солиниши масалалари ёритилган.

**ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПРОКУРОРСКОГО НАДЗОРА ЗА ИСПОЛНЕНИЕМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В ОТНОШЕНИИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ***Нуриддин Урунбаев**Магистрант**Академии правоохранительных органов**Ташкент, Узбекистан***О СТАТЬЕ**

**Ключевые слова:** сельское хозяйство, прокурорский надзор, предмет, объект,

**Аннотация:** В статье рассматриваются вопросы объекта, предмета и правового

правовое регулирование, организационно-регулирующего прокурорского надзора за правовые основы, нормативно-правовые исполнения законодательства в области акты. сельского хозяйства.

---

Фермер хўжалигига оид қонун ҳужжатлари ижроси юзаустидан прокурор назорати объектини аниқлашдан туриб, назорат ҳақида фикр юритиб бўлмайди.

Изоҳли луғатга кўра объект деганда – муайян шахснинг фаолияти ёки диққати йўналтирилган ҳодиса, шахс ёки предмет тушунилади.

Прокурор назоратининг предметини тушуниш учун унинг объектини аниқлаб олиш жуда муҳимдир.

Прокурор назорати объектига нималар кириши ҳақида турли хил ёндошувлар мавжуд.

Прокурор назорати назариясида прокурор назорати объекти деганда, энг аввало, прокурор назорати функциялари амалга ошириладиган муассаса ва ташкилотлар тушунилади. Юридик адабиётлар ва илмий манбаларни ўрганиш асосида қайд этиш лозимки, бир қатор ҳуқуқшунос олимлар прокурор назоратининг объекти ҳақида бир хил нуқтаи назардан ёндошганликларини кўришимиз мумкин. Хусусан, С.Л.Алексеев ва Н.Р.Вотчель “объект деганда қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор текширувлари ўтказиладиган корхона, муассаса, ташкилот ва бошқа органлар тушинилиши керак” деб фикр билдирса, Б.Пўлатов эса қонунлар ижроси устидан назорат объектлари тушунчасига прокурор томонидан Конституция ва қонунларга мувофиқлиги юзасидан баҳо бериб бориладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тоифасидан келиб чиқиб ёндашади.

Ҳуқуқшунос олим О.Мадалиев эса объект бу прокурор ваколати тадбиқ этиладиган давлат органлари ва мансабдор шахслар тушунилади.

Айрим олимлар гуруҳи прокурор назорати объекти деганда қонунлар ижроси юзасидан прокурор текширув ўтказадиган корхона, муассаса, ташкилот ва бошқалар тушунилади деган ғояни илгари суришади.

Агар мазкур тушунчани фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати объектига тадбиқ этадиган бўлсак, назорат объектига 2 та йўналишни киритиш мумкин.

Бир томонидан назорат объекти фермер хўжаликларига оид қонунчилик ижроси юзасидан норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ваколатли органлар бўлса, иккинчи томондан фермер хўжаликлари, ушбу йўналишдаги давлат ва хўжалик бошқаруви органларини прокурор назорати объекти сифатида келтириш мумкин.

Прокурор назорати объектининг доирасини аниқлаб олиш ҳам назорат объектини тадқиқ этишда муҳим ўрин тутди.

Прокурор назорати доираси деганда прокурорнинг назорат фаолиятини амалга оширадиган чегара тушунилади.

Прокурор назоратининг доирасини тавсифлашда айрим олимлар ушбу тушунчани прокурор томонидан текшириш ўтказишда, ваколатни тадбиқ этишда ҳамда прокурор назорати ҳужжатларини қўллашда лозим бўлган, мумкин бўлган ва таъқиқланган чегараларни белгилловчи ҳуқуқий туркумни тушуниш керак деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, давлатнинг конституциявий тузуми ўзгариши билан прокурорларнинг одатдаги прокурор назорати назариясига кирадиган тушунчалар ҳақидаги тасаввурлари ва қарашларида муайян ўзгаришлар юз берди.

Айни пайтда прокурор назорати объекти каби энг муҳим тушунчалар бугунги кунда тўлақонли тадқиқ этилмаяпти.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 20-моддасида қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг предметини ёритиш билан бирга, унинг объектлари ҳам кўрсатиб ўтилиб, ушбу объектлар қуйидагилардан иборатдир.

1. Вазирликлар;
2. Идоралар;
3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;
4. Жамоат бирлашмалари;
5. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар;
6. Вазирликлар ва идораларнинг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари;
7. Ҳокимлар.
8. Бошқа мансабдор шахслар.

Кўплаб илмий тадқиқотлар, мақолалар ва дарсликларда прокурор назорати объекти тушунчасига анъанавий бир хилда прокурор ваколати тадбиқ этиладиган орган, хўжалик юритувчи субъект ва мансабдор шахслар тушунилади деб таъриф бериб келинади.

Таъкидлаш лозимки, совет иттифоқи тузуми қулагандан кейин давлат бошқаруви тизимида тубдан ўзгаришлар рўй бериб, колхоз, кооператив каби тушунчаси йўқ бўлиб, унинг ўрнига фермер, ширкат хўжалиги, акциядорлик жамиятлари, кластер корхоналари каби кўплаб қишлоқ хўжалиги корхоналари пайдо бўлиши билан аграр соҳада прокурор назорати объекти кенгайишига сабаб бўлди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.03.2003 йилдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги ПФ-3226-сонли Фармони қабул қилиниши билан фермер хўжаликлари фаолияти агарар соҳада энг асосий хўжалик юритувчи субъект сифатида намоён бўла бошлади.

Энди қишлоқ хўжалигида жамоавий муносабатларга асосланган колхоз, кооперативлардан хусусий тадбиркорликка асосланган фермер ва деҳқон хўжаликлари каби субъектлар халқ хўжалигига фаол кириб кела бошладилар.

Айниқса мазкур Фармоннинг 1-банди 3-қисмига асосан хўжалик юрителининг ширкат, **фермер ва деҳқон** хўжаликлари ташкилий-ҳуқуқий шакллари сақлаб қолиш, истиқболда асосий қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарувчи субъект бўлиб қоладиган **фермер хўжаликларини ривожлантиришни устувор йўналиш сифатида белгилаб берилди.**

Ушбу фармон 2-банди билан билан илк маротаба фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари хўжаликларнинг ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда ва тузилган контрактация шартномаларига асосан қишлоқ хўжалик экинларини **мустакил равишда жойлаштириш**, хўжаликлар ўз меҳнати натижаларини, шу жумладан етиштирилган маҳсулотни, ўзларига тегишли мол-мулк, молиявий ва моддий ресурсларни **ўз хоҳишига кўра тасарруф этиш каби ҳуқуқлар берилди.**

Бу эса прокурорлар фаолиятида прокурор назорати объекти сифатида фермер хўжаликлари фаолиятини текшириш ва жазолашдан кўра кўпроқ уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишдек тубдан ўзгаришларга туртки бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги “Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3406-сонли Фармони билан Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар прокуратуралари тузилмаларида қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимлари ташкил қилиниб, уларга 48 та қўшимча штат бирлиги, шу жумладан марказий маҳкама учун 3 та штат бирлиги ажратилди.

Ушбу бўлимларнинг асосий вазифаси сифатида қуйидагилар белгиланди:

қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга оид қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларида баён этилган талаб ва қоидалар ўз вақтида, тўлиқ ижро этилишини назорат қилиш;

асосий қишлоқ хўжалик экинлари (пахта ва ғалла) экиладиган майдонлар мониторингини мунтазам ўтказиб туриш, экин майдонлари маҳсулот ишлаб чиқарувчилар — фермер ва ширкат хўжаликлари, туман ва вилоятлар томонидан қабул қилинган ҳамда тасдиқланган шартнома мажбуриятларига мувофиқлигини танлаб текширишлар ўтказиш;

фермер ва деҳқон хўжаликларига ер ажратиш борасида қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларда ўрнатилган тартиб бузилишининг олдини олиш комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш, бунда масъул шахслар томонидан хизмат мавқеи суиистеъмол қилинишига,

қариндош-уруғчилик ва ошна-оғайнигарчилик муносабатларидан фойдаланиш ҳолларига йўл қўймаслик;

ерлардан қатъий равишда мақсадли фойдаланиш, суғориладиган экин майдонлари муомаладан чиқарилишига йўл қўймаслик, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича қабул қилинган шартнома мажбуриятларига риоя этилиши устидан доимий назоратни амалга ошириш;

ерлардан мақсадли ва асраб-авайлаб фойдаланишни, уларнинг унумдорлиги сақланиши ҳамда экология нормаларига риоя этилишини таъминлаб келаётган фермер ҳамда деҳқон хўжаликларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

сув ресурсларидан исрофгарчилик билан фойдаланиш, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материалларини ўғирлаб талон-торож қилиш, гидротехника, мелиорация иншоотлари ҳамда қишлоқ хўжалик техникасини ишлатишда хўжасизлик фактларининг олдини олиш чораларини кўриш;

қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, шу жумладан қонунчиликни кенг қўламда тушунтириш йўли билан шундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.

Мазкур фармон қабул қилиниши билан прокурор назорати объектлари сифатида фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш энг устувор вазифа сифатида белгиланди.

Шунинг баробарида ўтган йиллар давомида Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, 1998 йил 30 апрелдаги “Қишлоқ хўжалиги кооперативи тўғрисида”ги, 2021 йил 1 апрелдаги “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонунлари каби кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, уларда у ёки бу маънода прокурорнинг аграр соҳадаги назорат объектлари ваколат ва вазифалари ўз аксини топди.

Шу маънода назаримизда фермер хўжалигига оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назорати объектларини икки гуруҳга бўлиб ўрганиш тўғри бўлади.

Мазкур соҳада назорат объектининг **биринчи гуруҳига** фермер хўжаликлари фаолияти устидан назорат ёки муайян ваколатга эга бўлган назорат қилувчи органлар (*агроинспекция, ветеринария, карантин, сувназорат каби*), давлат органлари ва бошқа мансабдор шахсларни киритиш мумкин.

**Иккинчи гуруҳга** эса бевосита фермер хўжаликлари, улар билан ҳамкорликда иш олиб боровчи таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар (*нефть, минерал ўғит етказиб берувчи, банк хизмати кўрсатувчи ва ҳкз*) ни киритиш мумкин.

Прокурор назорат объекти сифатида биринчи гуруҳга кирадиган орган ва мансабдор шахслар устидан улар томонидан фермер хўжалигига оид қонун ҳужжатлари ижроси

юзасидан назорат тадбирлари қай йўсинда амалга ошираётганли, ваколатларни тадбиқ этишда суиистеъмолчилик ва ўзбошимчалик ҳолатларига йўл қўйилмаётганлиги кабиларга баҳо берса, иккинчи гуруҳга кирувчи объектларда кўпроқ фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, уларни моддий ресурс ва маблағ билан таъминлаш масалаларига эътибор қаратиши билан аҳамиятга моликдир.

Ҳуқуқшунос олим В.Васюшкин “Пределы прокурорского надзора” номли мақолада ваколатли давлат органлари турли субъектларнинг хўжалик ва бошқа фаолиятини назорат қилса, прокурорлар эса ушбу давлат органлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириши лозим деган ғояни илгари сурган.

Бошқа бир олим А.Н.Ванькаев эса прокурорнинг назорат объекти асосан назорат идораларининг назорат функцияси устидан назорат қилишдан иборат деб ҳисоблайди.

Худди шу каби, А.Ф.Козлов эса қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда прокуратурани бошқа давлат органлари билан қиёслаб бўлмайди. Чунки, унинг ваколатлари ва у тадбиқ этиладиган доира ҳам кенглиги билан асослайди.

Назаримизда ушбу олимларнинг фикри билан тўлиқ қўшилиб бўлмайди, чунки айрим ҳолларда прокурор муайян ваколатли давлат органининг назорат функциясини қандай бажараётганлигига ҳуқуқий баҳо бериш учун унинг назорати остидаги субъектларнинг хўжалик ва бошқа фаолиятини ҳам ўрганиши мумкин.

Албатта бунда прокурор назорат қилувчи орган функция ва вазифаларини такрорлаш ёки алмаштиришга йўл қўймаслик жуда муҳим ҳисобланади.

Шу боис, фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати объектига нафақат давлат ва назорат қилувчи органлар балки фермер хўжаликлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Айни пайтда, прокуратура органлари таркибида ихтисослашган табиатни муҳофаза қилиш прокуратураси каби прокуратуралар ҳам борки улар фермер хўжаликларида табиатни муҳофаза қилиш каби контрол функцияларини ҳам бажарадилар.

Бошқа бир олим В.Бессерабов ва К.Кашаев прокурор назоратини давлат назоратининг ядроси сифатида таърифлаб, ваколатларининг кенглиги, ҳуқуқий тартибга солиш соҳасининг чекланмаганлиги, фаолияти предметиға мувофиқ текширишлар ўтказиши билан ажралиб туради деб ҳисоблайди. Назорат органлари фаолиятини такрорламаган ҳолда прокурор назорати улар фаолиятида қонунчиликнинг қўшимча қафолати сифатида намоён бўлади.

Фермер хўжаликларининг ихтисослашувига қараб ушбу соҳадаги прокурор назорати объектлари турлича бўлиши мумкин.

Мисол учун, пахта ва ғаллачилик ихтисослашувидаги фермер хўжаликлариға оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати объектиға пахта ва ғаллачилик йўналишидаги

илмий тадқиқот институтлари, пахта- тўқимачилик кластерлари кабилар кирса, чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига оид қонунлар ижроси устидан прокурор назорати объектларига ветеринария, чорвачиликда наслчилик идоралари ҳам киради.

Худди шу каби, иссиқхона йўналишидаги фермер хўжаликларига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати объекти сифатида Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги каби давлат бошқаруви органларини келтириб ўтиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати турли хил назорат органларидан мустақил равишда амалга оширилади.

Шу билан бирга, прокурор назоратини амалга ошириш муайян соҳаларда амалга оширилиши билан ажралиб туради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати объектларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- 1.Қишлоқ хўжалиги вазирлиги;
- 2.Сув хўжалиги вазирлиги;
- 3.Иқтисодиёт ва молия вазирлиги;
- 4.Ўзбекистон фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари кенгаши;
- 5.Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси;
- 6.Маҳаллий давлат ҳокимлиги органлари;
- 7.Кадастр агентлиги;
- 8.Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси;
- 9.Ветеринария, карантин идоралари;
- 10.Товар хом ашё биржаси;
- 11.Кластер корхоналари;
- 12.Тижорат банклари;
- 13.Таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар;
- 14.Фермер хўжаликлари.

Мазкур объектларнинг прокурор томонидан ўрганиб баҳо бериладиган текшириладиган фермер хўжаликларига оид ваколат ва мажбуриятлари қуйидаги норматив ҳужжатларда, яъни:

- Қишлоқ хўжалиги вазирлиги – Вазирлар Маҳкамасининг 09.07.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 571-сонли Қарор;

- Иқтисодиёт ва молия вазирлиги – Вазирлар Маҳкамасининг 12.07.2018 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини

давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисида низомини тасдиқлаш ҳақида”ги 533-сонли Қарори;

- Сув хўжалиги вазирлиги – Вазирлар Маҳкамасининг 07.10.2024 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 645-сонли Қарори;

- Ўзбекистон фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари кенгаши - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-3680-сон қарори;

- Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси – Ўзбекистон республикаси Президентининг 02.09.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4817-сонли Қарори;

- Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари – “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни (29-моддаси);

- Кадастр агентлиги – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.02.2021 йилдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги тўғрисида”ги Низом;

- Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси – Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 575-сон қарори 1-илоvasи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси тўғрисида”ги Низом ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.10.2024 йилдаги “Агросаноат мажмуида давлат назорати тизимини янада такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-164-сонли Фармони;

- Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси – Вазирлар Маҳкамасининг 27.06.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 532-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси тўғрисида”ги Низом;

- Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги – Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги 311-сонли қарори 1-илоvasи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги тўғрисида”ги Низом;



- Товар хом ашё биржаси - Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 25 декабрдаги 680-сон қарори билан тасдиқланган “Пахта хом ашёсини биржа савдолари орқали сотишни тартибга солиш тўғрисида”ги Низом;

- кластер корхоналари - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 декабрдаги “Қишлоқ хўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлан - тиришнинг қўшимча чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПФ – 205 - сонли Фармони;

- тижорат банклари - Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 мартдаги “Буғдой етиштириш харажатларини кредитлаш тартиби тўғрисида”ги Низом, 2023 йил 25 декабрдаги 680-сонли қарори 1-илоvasи билан тасдиқланган “Пахта хом ашёсини етиштириш ва пахта йиғим-терими харажатларини ҳамда пахта хом ашёсини харид қилишнинг якуний ҳисоб-китобини кредитлаш тўғрисида”ги Низом;

- Фермер хўжаликлари - Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни.

Прокурор томонидан келгусида фермер хўжаликларига оид қонунчилик ижроси устидан юқорида санаб ўтилган объектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишга назорат идораларидан мутахассис жалб қилишда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 13 сентябрдаги “Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказишни мувофиқлаштириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 374-сонли Қарори талабларига қатъий амал қилиши лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтганда фермер хўжалигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати объектларини тўғри аниқланиши прокурор назоратининг сифати ва самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. <http://www.fao.org/sustainable-development-goals> маълумотлари асо-сида
2. Словарь русского языка: В 4-х т. / РАН, Инт-т лингвистич. Исследований: Под ред А.П.Евгеньевой.-4-е изд, стер,-М.Рус, яз: Полиграфресурсы, 1999.
3. Костенко Е.Н. Объекты прокурорского надзора за исполнением законов о профилактике безнадзорности и правонарушений несовершеннолетних // Современное право. - 2018.- № 7-8. - С. 29.
4. Алексеев С.Л., Вотчель Н.Р. / Прокурорский надзор: Учебное пособие / под редакцией Ф.Н.Багаутдинова.
5. Казань: Информационно-технологический центр АСО, 2014. – С. 9.

6. Прокурор назорати: дарслик / Б.Х.Пўлатов; масъул мухаррирлар: Т.А.Умаров, А.Т.Алламуратов ва бошқ.
7. Т.: «O'zbekiston», 2009. – Б. 148-149.
8. О.Мадалиев. Прокурор назорати// дарслик, Тошкент – 2009 й., 57-бет.
9. Прокурорский надзор / Под редакцией Ю.Ю.Е.Винокурова. М.: Юрайт. 2013.С.17.
10. Казарина А.Х. Теоретические и прикладные проблемы прокурорского надзора за исполнением законов экономической направленности: Автореф, дис....канд. юрид.наук.М., 2009. С.40.
11. Рябцев В.П. Прокурорский надзор: курс лекций. М.: Норма, 2006. С-23-24.
12. Шибина А.В. Проблемные аспекты определения объектов прокурорского надзора за соблюдением прав граждан на охрану здоровья // Законность.2016,№12 С-16-19.
13. Олий Мажлис Ахборотномаси, 2003 й., 3-4-сон, 55-модда; ЎР ҚТ, 2003 й., 5-6-сон, 46-модда
14. ЎР ҚТ, 2004 й., 10-сон, 113-модда
- 15.«Халқ сўзи», 2004 й., 215 (3490)-сон; ЎР ҚТ, 2004 й., 40-41-сон, 433-модда
16. Олий Мажлис Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 84-модда
17. ҚММБ, 02.04.2021 й., 03/21/680/0263-сон
18. Васюшкин В. Пределы прокурорского надзора // Законность. 2010.№11.
19. Ванькаев А.Н. Место и роль прокуратуры в системе разделения властей Российской Федерации // Российский следователь. 2008.№10.
20. Козлов А.Ф. Прокурорский надзор в Российской Федерации: Учебник. Екатеринбург, 1999.
21. Бессарабов В.Г., Кашев К.А. Защита российской прокуратурой прав и свобод человека и гражданина. М.: Городец, 2007; СПС «Консультант Плюс».
22. ҚММБ, 10.07.2019 й., 09/19/571/3401-сон
23. ҚММБ, 16.07.2018 й., 09/18/533/1508-сон
24. ҚММБ, 2024 й., 09/24/645/0795-сон
25. ҚММБ, 27.04.2018 й., 07/18/3680/1110-сон
26. ҚММБ, 03.09.2020 й., 07/20/4817/1254-сон
27. «Халқ сўзи», 2004 й., 215 (3490)-сон; ЎР ҚТ, 2004 й., 40-41-сон, 433-модда
28. ҚММБ, 13.02.2021 й., 09/21/66/0113-сон
29. ҚММБ, 13.07.2019 й., 09/19/575/3415-сон
30. ҚММБ, 2024 й., 06/24/164/0843-сон
31. ҚММБ, 28.06.2019 й., 09/19/532/3344-сон
32. ҚММБ, 08.06.2022 й., 09/22/311/0492-сон
33. ҚММБ, 25.12.2023 й., 09/23/680/0963-сон